



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2020 йил — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: info@xs.uz • 2020 йил 15 август, № 172 (7674) Шанба

Сайтимидаги ўқиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## БЎСТОНЛИҚ ТУМАНИДА ТУРИЗМ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ЛОЙИХАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 14 август куни туризм салоҳиятини кенгайтиришга доир лойиҳалар тақдимоти билан танишди.

Коронавирус пандемияси туфайли халқаро қатновлар тўхтаб, транспорт-ҳаракати чеклангани бутун дунёда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам туризм соҳасига зарар келтирди. Мамлакатимизда 1 минг 500 дан ортиқ туроператорлар, 1 минг 200 та меҳмонхонанинг фаолияти тўхтаб қолди. Бу вазият соҳага алоқадор савдо, хунармандчилик, транспорт, умумий овқатланиш ва бошқа хизмат кўрсатиш тармоқларида минглаб одамларнинг бандлиги ва даромадига салбий таъсир кўрсатди.

Шу боис давлатимиз томонидан бу соҳани қўллаб-қувватлаш, сайёҳлик масканлари фаолиятини босқич-ма-босқич тиклаш чоралари кўрилмақда. Жорий йил 28 майда Президентнинг "Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кенгайтириш бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони, 19 июнда "Туризм соҳасини санитария-эпидемиологик хавфсизликнинг кучайтирилган режими талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Мазкур ҳужжатларда тармоққа пандемиянинг оқибатларини юмшатиш бўйича қатор энгилликлар берилди. Умуман, бугун Ўзбекистонда туризм соҳасини пандемия шартлиги мослаштирган ҳолда ривожлантиришнинг замонавий имкониятлари ишга солинмоқда.

Республика махсус комиссиясининг 12 августдаги қарорига мувофиқ, 15 августдан бошлаб автотранспорт воситалари ҳаракати, маҳаллий авиа ва темир йўл қатновига рухсат берилди. Санаторийлар, пансионатлар, болалар оромгоҳлари, меҳмонхоналар, меҳмон уйлари, пляжлар, хостеллар ва бошқа дам олиш масканлари фаолияти тикланади. Булар юртимизда сайёҳлик яна ривожланишига шароит яратди.

Тақдимотда соҳада амалга оширилган ишлар ва навбатдаги режалар ҳақида ахборот берилди. Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманининг туризм салоҳияти жуда

юқори. Лекин узок йиллар давомида бундан етарлича фойдаланилмади. Баҳаво табиат, қулай иқлим ва йилнинг барча фаслида мароқли ҳордиқ чиқариш имконияти бўлса-да, ҳудудда сайёҳларни жалб этадиган йирик ва замонавий лойиҳалар амалга оширилмади. Бугун Бўстонлиқ туманида туристик ҳудудларни ташкил этиш билан бир вақтнинг ўзида қатор муҳим масалаларни ҳал қилиш кўзда тутилган.

— **Асосий мақсадимиз, энг аввало, туризм соҳасида қонун устуворлигини таъминлаш, одамларнинг манфаатини инобатга олиб, халқимиз учун баҳаво, арзон, хавфсиз ва 12 ой давомида қулай дам олиш шароитларини яратишдир. Бўстонлиқ каби масканларга Ўзбекистоннинг барча ҳудудларидан юртдошларимиз келиб ҳордиқ чиқариши, бу ерда амалга оширилаётган лойиҳалар бошқа ҳудудларимиз учун ҳам намуна бўлиши керак, — деди Шавкат Мирзиёев.**

Маълумотларга кўра, ҳар йили юртдошларимиз чет элда дам олиш учун 1 миллиард 200 миллион доллар атрофида маблағ сарфламоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири Ўзбекистонда барча талабларга жавоб берадиган замонавий туристик мажмуалар сонин кам.

Шу мақсадда охириги йилларда республикамизнинг барча ҳудудиди, жумладан, Бўстонлиқ туманида ҳам тўлиқ тадбиркорлар маблағи ҳисобига йирик лойиҳалар амалга оширилди. Хусусан, дунё сайёҳлари эътиборига тушган "Амирсой" мажмуаси қисқа — бир ярим йил ичида қуриб фойдаланишга топширилди. Бу эса ҳудудда йирик ва жозибador лойиҳаларни амалга ошириш мумкинлигини исботлади.

Давлатимиз раҳбари тақдимот давомида Бўстонлиқ туманида яқин йилларда фойдаланишга топшириладиган

лоийҳалар мажмуаси билан танишиб, уларни такомиллаштириш бўйича таклифларини берди.

"Билдирсой — Чимён — Нанай" халқаро курортини ташкил этиш лойиҳаси улардан бири. Унинг концепцияси ва иқтисодий модели Франция компаниялари консорциуми томонидан FASEP фондининг 750 минг евро микдоридидаги грант маблағлари ҳисобига ишлаб чиқилган.

Лойиҳанинг умумий қиймати 480 миллион доллар. Шундан 280 миллион долларини тўғридан-тўғри инвестициялар ташкил этади. Ундан кўзланган асосий мақсад ҳудуддаги ер майдонларининг қиймати ва инвестицион жозибadorлигини ошириш орқали тадбиркорликни ривожлантиришдир.

Лойиҳа 3 босқичдан иборат бўлиб, биринчи босқичда Чимён ҳудудидида умуммавсумий курорт ташкил этиш кўзда тутилган. Франциянинг 48 миллион евро микдоридидаги имтиёзли кредити эвазига туристик инфратузилмани ривожлантириш, жумладан, осма йўлаклар, чанги учуш ускуналари ва аттракционлар келтириб ўрнатилиш режалаштирилган. Бунинг натижасида тоғ-чанги туризми оммалашади, маҳаллий ва хорижий сайёҳлар учун замонавий шароитлар яратилади, тадбиркорлик ривожланади. Лойиҳанинг биринчи босқичини 2021 йил декабрда ишга тушириш режалаштирилган.

Лойиҳаларда кўзда тутилаётган энг муҳим вазифа бу давлат-хусусий шериклик асосида уддабурон тадбиркорларга кенг йўл беришдир. Шунингдек, сайёҳлик ҳудудидида энгиллик, тўқчилик, асарларчилик кенгайтирилиб, сайёҳларга қўшимча хизматлар тақдир этилади. Ҳудудда ёшлар учун алоҳида майдонлар ажратилиб, туризми ривожлантиришда уларнинг имкониятларини ҳам тўлиқ рўёбга чиқариш мумкинлиги таъкидланди.

Бўстонлиқ тумани, хусусан, Чорвоқ сув омбори атрофидаги қишлоқларда янги дам олиш масканлари қурилади. Бу билан шу ерда яшаётган аҳолини иш билан таъминлаш мақсади ҳам кўзланган.

Бўстонлиқ туманида бўш турган ва

самарасиз фойдаланилаётган объектларни сотиш орқали улар негизда туризм ва хизмат кўрсатиш инфратузилмасини ривожлантириш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, 80 га яқин давлат объектларини хусусийлаштириш режалаштирилган. Бу орқали туризм соҳасида давлат иштироки қисқартирилади ва хусусий тадбиркорлик ривожланади. 15 мингтагача янги иш ўрни яратилади. Рақобат кучайиши ҳисобига мақбул нарх-наво шаклланади.

Тадбирда ноқонуний фаолият кўрсатаётган субъектларни аниқлаш ва уларни рўйхатдан ўтказиш борасидаги ишлар бўйича ҳам маълумот берилди.

Жумладан, Бўстонлиқ туманида солиқ солиш объектларини ҳисобга олишни соддалаштириш мақсадида "ogom.uz" мобил иловаси ва ягона электрон платформаси ишлаб чиқилди. Бу платформа орқали 3 минг 700 дан ортиқ ижарачилар рўйхатга олинди. Бундан ташқари, қўшимча таянч пунктлари ташкил этилиб, 16 мингдан зиёд объектлар хатлов ўтказилди. Натижада солиқ тушуми ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан деярли 3 бараварга ошган.

Бўстонлиқ туманида йўл инфратузилмасини ривожлантириш ва таъмирлаш бўйича ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, автомобиль йўллари таъмирланди, ести сувларини қочириб мақсадида дренаж қувурлари ўрнатилди, 10 километрдан ортиқ пидедалар йўлакчалари қуриди.

Президентимиз йўллари пухта ўйланган, тежамкор лойиҳалар асосида қуриш ва таъмирлаш зарурлигини таъкидлади.

Сайёҳлар оқимининг кўпайиши чиқиндиларни оқилона бошқариш ҳам талаб этади. Хисоб-китобларга кўра, Бўстонлиқ туманида кунига ўртача 102 тонна маиший чиқинди ҳосил бўлади. Афууски, дам олиш маданияти пастлиги туфайли кўпгина йиғиштирилмай, табиат қўйнида ташлаб кетилади. Бу муаммони бартараф этиш, ҳудудни тазалаш тизимини такомиллаштириш мақсадида чиқинди йиғиш

пунктлари ва ташувчи техникаларни кўпайтириб, Экоинспекция назоратини йўлга қўйиш кўзда тутилмоқда. Бунинг натижасида ҳудуд 100 фоиз санитария тазалаш хизматлари билан қамраб олинади. Ташриф буюрувчиларнинг экология ва атроф-муҳит муҳофазаси талабларига риоя этишлари устидан доимий назорат юритилади.

Шунингдек, Бўстонлиқ туманида ичимлик суви ва канализация тарамоқларини яхшилаш бўйича ҳам ишлар олиб борилмоқда. Йил бошидан бўён 7,6 километр ичимлик суви қувури, насос ва сув миноралари қурилган. Келгуси икки йилда 36 километр ичимлик ва 3,5 километр оқова сув қувури, 10 га яқин сув ва канализация иншоотлари барпо этилиши режалаштирилган.

Туманда электр таъминотини яхшилаш масаласидаги ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Президент мавжуд электр тармоқларини таъмирлаш билан бирга сув, шамол ва қуёш энергияси манбаларини бунёд этиш, туристик объектлар энергия эҳтиёжининг катта қисмини шулар ҳисобидан таъминлаш бўйича кўрсатмалар берди.

Тоғ ёнбағирларида, ўрмон ва сув фонди ерларида энгил конструкцияли кўчма дам олиш масканларини ташкил этиш лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари ҳудудни тўлиқ туристик зона сифатида ривожлантириш ва режадаги лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириш мақсадида Бош вазир ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раисига параллел равишда, янги тажриба тарикасида Бўстонлиқ туманига раҳбарлик вазифасини бажаришни юклатиш таклифини билдирди.

Тақдимотда кейинги икки йилда сайёҳлик ўринлари ва хизмат турларини кўпайтириш натижасида ҳудуднинг туризм салоҳияти 2 баробар ортишини таъминлаш вазифаси қўйилди.

Ў.А.

## ДУНЁ НИГОҲИ

«Халқ сўзи» учун махсус

### Ўзбекистон раҳбариятининг дадил қадамлари хорижий давлатлар ва етакчи халқаро ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилотлари томонидан қўллаб-қувватланмоқда



Аввал хабар қилинганидек, 12-13 август кунлари "Ёшлар — 2020: глобал бирдамлик, барқарор тараққиёт ва инсон ҳуқуқлари" мавзусида Самарқанд онлайн форуми бўлиб ўтди. Унда халқаро ташкилотлар, миллий ва халқаро инсон ҳуқуқлари институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, давлат органлари, ёшлар уюшмалари вакиллари иштирок этди.

Шу тадбир дунё ҳамжамиятида катта қизиқиш уйғотди. Қўллаб-қувватлаш, шарҳлар ва баҳоларда форумнинг ўз вақтида ўтказилгани ҳамда доллар кун тартибига қўйилган масалалардан экани қайд этилди.

ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси, элчи Жон МакГрегор "Дунё" АА муҳбирига берган интервьюсида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд онлайн форуми иштирокчиларига йўллаган табриқидида масалалар муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

➡ 2

## Сарҳисоб

### ХАЛҚИМИЗНИНГ ФАРОВОН ҲАЁТИНИ ТАЪМИНЛАШ — УСТУВОР ВАЗИФА

Йилнинг ярмидан кўпи ортда қолди. Шу даврда Сенат фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича бажарилган ишларни сарҳисоб қилиб, олдимизда турган долзарб вазифаларни яна бир бор белгилаб, аниқлаштириб олиш мақсадида мувофиқдир.

Таъкидлаш жоизки, Сенатнинг янги таркиби ўз фаолиятида Конституция ва қонунларда белгиланган ваколатларини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил январда парламент палаталарида сўзлаган нутқлари ҳамда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида белгиланган устувор вазифаларни рўёбга чиқаришни асосий мақсад этиб белгилади.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йилги Олий Мажлисга Мурожаатномасида натижадорлик ҳаммаимиз учун бош талаб, асосий мезонга айланаётгани, бу борада 2020 йил барчамиз учун алоҳида синов ва масъулият йили бўлиши, энди кечаги ютук ҳамда марралар бизни

➡ 3

## Муносабат

### САЙЁҲЛИК — ОДАМЛАР УЧУН ҚУЛАЙ ИШ ЖОЙИ ВА ДАРОМАД МАНБАИ

Азиз АБДУҲАКИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси:

— Мамлакатимизда туризмни ривожлантириш, жумладан, ҳудудларда ишга солинмаган қулай ва табиий имкониятлардан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш борасида амалга оширилаётган ишлар, албатта, ўз самарасини беради. Шу маънода, ҳозирги кунда фуқароларимиз Ўзбекистонда дам олишлари учун туризм имкониятларини оширишимиз керак. Демак, янги туристик зоналарни, сайёҳлик комплексларини барпо этиш катта аҳамиятга эга.

Президентимиз туризм салоҳиятини кенгайтиришга доир қатор лойиҳалар тақдимоти билан танишди. Жумладан, "Амирсой" тоғли дам олиш масканининг иккинчи босқичи тақдимотини ўтказдик. Бу ерда қўшимча равишда янги тоғ йўллари, чанги комплекслари қурилади. Бундан ташқари, янги меҳмонхоналар, савдо расталари қад ростлайди. Натижада ҳозирги кунда 900 гектар майдонда жойлашган ушбу дам олиш масканининг ҳудуди яна икки баравар кенгайдди.

➡ 2

## Олий Мажлис Қонунчилик палатаси

### МАМЛАКАТНИ СТРАТЕГИК ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ ЯРАТИЛЯПТИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси томонидан иккинчи ўқишга тайёрланаётган "Стратегик режалаштириш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси сиёсий партиялар фракциялари аъзолари иштирокида муҳокама қилинди.



Видеоконференция шаклида ўтказилган давра суҳбатидида таъкидланганидек, ушбу қонун лойиҳаси Президентимизнинг 2019 йил 28 январдаги "Мамлакатни иқтисодий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик вазифалари амалга оширилиши самарадорлиги учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъулиятини оширишга доир биринчи навбатдаги

чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижроси доирасида ишлаб чиқилган. Стратегик режалаштириш борасидаги хориж тажрибаси таҳлили шунч қўрсатмоқдаки, кўпгина давлатларда стратегик режалаштириш ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш борасидаги ишлар тизимли йўлга қўйилган ҳамда бу борада тегишли қонуний асос

лар яратилиб, самарали амал қилиб келмоқда. Йиғилиш иштирокчилари фикрича, Ўзбекистон учун ушбу қонунни қабул қилишнинг заруратини қўйиш билан изоҳлаш мумкин: Биринчидан, тармоқлар ва ҳудудларнинг ўрта ҳамда узок муддатда барқарор ва изчил ривожланишини таъминлаш борасида стратегик характерга эга бўлган ҳужжатларни

➡ 3

## КАРАНТИН ЧОРАЛАРИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ЮМШАТИЛАДИ

Республика махсус комиссиясининг навбатдаги қарори билан 15 августдан бошлаб қуйидагиларга рухсат берилди:

- жамоат транспортининг барча тури, шу жумладан, Тошкент метрополитенининг ер ости қисми ҳамда йўналишли таксилар ҳам ўз ҳаракатини бошлайди;
- маҳаллий авиақатновлар ва темир йўл қатнови қайта тикланади;



- очик ҳавода хизмат кўрсатувчи умумий овқатланиш объектлари иш бошлайди;



- музейлар, гўзаллик салонлари ва сартарошхоналар фаолияти йўлга қўйилади; оилавий тантана, тўй, маърака ва маросимларни ўтказиш мумкин (ушбу тадбирлар фуқароларнинг уй-жойи ҳамда ҳовлисининг ўзида 30 кишидан кўп бўлмаган, фақат яқин қариндошлар ва мазкур туман ҳудудидида яшовчи бошқа қариндошлар билан ташкил этилади).



Рухсат берилган фаолият турларини санитария-гигиена ва дезинфекция талабларига қатъий риоя қилган ҳолда амалга ошириш талаб этилади.

Шунингдек, Республика махсус комиссиясининг навбатдаги қарорида 17 ва 20 август кунларидан бошлаб бошқа айрим фаолият турларига ҳам рухсат берилиши назарда тутилган. Бу ҳақда газетамизнинг навбатдаги сонларида батафсил маълум қиламиз.

# Ўзбекистон раҳбариятининг дадил қадамлари хорижий давлатлар ва етакчи халқаро ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилотлари томонидан қўллаб-қувватланмоқда

Ўқоридаги таъриф Президент ёшларнинг ўзбекистон ва дунё учун аҳамияти ҳақидаги нуктаи назарини аниқ намоян эъти. Таъкидлаш жоиз, Самарқанд форумининг асосий жиҳати БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Ўзбекистон раҳбари томонидан илгари сурилган БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси лойиҳасининг муҳокамаси бўлди. Президент сўзларига кўра, Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция "жаҳондаги икки миллиарддан ортиқ йигит ва қизларнинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш" учун муҳимдир. Бу "глобал микёсдаги бирдамлик, барқарор ривожланиш ва инсон ҳуқуқларини, тинчлик ва тараққиётни таъминлаш йўлида навқирон авлод томонидан қўйилган муҳим амалий қадам ва қимматли ҳисса" бўлади.

Ўқоридаги шарҳлар Президент Шавкат Мирзиёевнинг аҳамияти ёш кадрлар салоҳиятининг аҳамияти ҳамда демографик имкониятларини яхши янгилашди далолат беради. Зеро, ёшлар Ўзбекистон учун катта фойда келтирди.

Президент таъкидлаганидек, тўғри йўналтириш ҳисобига "интеллектуал ва маънавий етуқ, ташаббускор ёшлар барқарор тараққиётнинг драйверига айланмоқда". У шунингдек, "Янги Ўзбекистон ёшлари — мамлакатни модернизация қилишга қаратилган жадал ва кенг қўлмали ишловларнинг ҳаракатланувчи кучи ва фаол иштирокчиси бўлиб майдонга чиқмоқда", деди. Бу, шубҳасиз, Қарақатлар стратегиясида ҳамда ЕХҲТ мажбуриятларига мувофиқ миллий ишловларнинг устувор йўналишларидир. Алоҳида таъкидлаш жоиз, ЕХҲТ ушбу ишловларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлайди.

Ёшлар эътиҳорлари ва ҳуқуқларига эътиборни қаратиш дунёнинг исталган жойида муҳим, зеро, ёшлар — келажакимиздир. Уларни тўғри тарбиялаш, ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш Ўзбекистон ҳамда дунё келажигини гаровидир. Президент сўзларидан кўриниб турибдики, Ўзбекистон ушбу масалада дунёда етакчиликни намойиш қилмоқда ва барчамиз учун яхши келажакка интилмоқда.

— Ўзбекистон раҳбарининг инсон ҳуқуқларига оид масаладаги дадил қадамлари хорижда ҳамда етакчи халқаро ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилотларидан ижобий қабул қилинмоқда, — деди Варшава университети

Ўқоридаги шарҳлар Президент Шавкат Мирзиёевнинг аҳамияти ёш кадрлар салоҳиятининг аҳамияти ҳамда демографик имкониятларини яхши янгилашди далолат беради. Зеро, ёшлар Ўзбекистон учун катта фойда келтирди.

Президент таъкидлаганидек, тўғри йўналтириш ҳисобига "интеллектуал ва маънавий етуқ, ташаббускор ёшлар барқарор тараққиётнинг драйверига айланмоқда". У шунингдек, "Янги Ўзбекистон ёшлари — мамлакатни модернизация қилишга қаратилган жадал ва кенг қўлмали ишловларнинг ҳаракатланувчи кучи ва фаол иштирокчиси бўлиб майдонга чиқмоқда", деди. Бу, шубҳасиз, Қарақатлар стратегиясида ҳамда ЕХҲТ мажбуриятларига мувофиқ миллий ишловларнинг устувор йўналишларидир. Алоҳида таъкидлаш жоиз, ЕХҲТ ушбу ишловларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлайди.

Ёшлар эътиҳорлари ва ҳуқуқларига эътиборни қаратиш дунёнинг исталган жойида муҳим, зеро, ёшлар — келажакимиздир. Уларни тўғри тарбиялаш, ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш Ўзбекистон ҳамда дунё келажигини гаровидир. Президент сўзларидан кўриниб турибдики, Ўзбекистон ушбу масалада дунёда етакчиликни намойиш қилмоқда ва барчамиз учун яхши келажакка интилмоқда.

— Ўзбекистон раҳбарининг инсон ҳуқуқларига оид масаладаги дадил қадамлари хорижда ҳамда етакчи халқаро ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилотларидан ижобий қабул қилинмоқда, — деди Варшава университети

Президент таъкидлаганидек, тўғри йўналтириш ҳисобига "интеллектуал ва маънавий етуқ, ташаббускор ёшлар барқарор тараққиётнинг драйверига айланмоқда". У шунингдек, "Янги Ўзбекистон ёшлари — мамлакатни модернизация қилишга қаратилган жадал ва кенг қўлмали ишловларнинг ҳаракатланувчи кучи ва фаол иштирокчиси бўлиб майдонга чиқмоқда", деди. Бу, шубҳасиз, Қарақатлар стратегиясида ҳамда ЕХҲТ мажбуриятларига мувофиқ миллий ишловларнинг устувор йўналишларидир. Алоҳида таъкидлаш жоиз, ЕХҲТ ушбу ишловларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлайди.

# Акс садо Ватанимизнинг дунё миқёсидаги нуфузини янада оширишга хизмат қилди

Таъкидлаш лозим, 12-13 август кунлари Самарқанд шаҳрида "Ёшлар — 2020: глобал бирдамлик, барқарор тараққиёт ва инсон ҳуқуқлари" мавзусида бўлиб ўтган халқаро анжуман қутулганидан ҳам самарали ақунланди, дейишга асослар етарли. Ва бу тадбирда иштирок этган халқаро ташкилот вакиллари, хорижий экспертлар томонидан ҳам алоҳида мамнуънати билан эътироф этилди.

Ушбу халқаро анжуман янги Ўзбекистонни дунёга ёшлар мамлакатини сифатида яна бир бор таништирди. Мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қўнғини манфаатларини амалда таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгилангани ва бу борда қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар муваффақият билан ижро этилаётганини кўз-кўз этди. Ватанимизнинг халқаро миқёсдаги нуфузини янада оширишга хизмат қилди.

# ЖАҲОН ЁШЛАРИ ЯҲОНА МАҚСАД САРИ...

Ўшбу халқаро анжуман янги Ўзбекистонни дунёга ёшлар мамлакатини сифатида яна бир бор таништирди. Мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қўнғини манфаатларини амалда таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгилангани ва бу борда қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар муваффақият билан ижро этилаётганини кўз-кўз этди. Ватанимизнинг халқаро миқёсдаги нуфузини янада оширишга хизмат қилди.

Ушбу халқаро анжуман янги Ўзбекистонни дунёга ёшлар мамлакатини сифатида яна бир бор таништирди. Мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қўнғини манфаатларини амалда таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгилангани ва бу борда қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар муваффақият билан ижро этилаётганини кўз-кўз этди. Ватанимизнинг халқаро миқёсдаги нуфузини янада оширишга хизмат қилди.

# ТАРИХДАН МУСТАҲКАМ ЎРИН ЭГАЛЛАЙДИГАН ВОҚЕА

Бугун дунё аҳолисининг салмоқли қисмини ёшлар ташкил этади, аниқроғи, уларнинг сони 2 миллиарддан зиёд. Бу аксарият мамлакатларда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам аҳолининг ўсиб борадиган катта қисми ёшлардан иборат эканлигини билдиради. Шу маънода, бугун ёшларнинг барча ҳуқуқини, хусусан, иқтисодий, ижтимоий, маданий, фуқаролик ҳамда сиёсий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва амалга оширишни таъминлаш янада долзарб аҳамиятга эга.

## Сенатор мушоҳадаси

Шу йилнинг 12-13 август кунлари бўлиб ўтган Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд веб-форуми нафақат юртимиз, балки Ер юзидagi ёшларни қўллаб-қувватлаш, давлат ҳамда жамият куралишидаги ўрнини мустаҳкамлашга йўналтирилгани билан тарихдан мустаҳкам жой эгаллайдиган бўлди.

корпус вакиллари, инсон ҳуқуқлари бўйича хорижий, минтақавий ва миллий институтлар, жаҳон ёшлар ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари вакиллари қатнашди. Шунинг ўзидеги ушбу тадбир мавқеи юқориликдан дарак.

асосида ишлаб чиқилган Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенция лойиҳаси кенг муҳокама қилинди.

Ҳаётини зарурат туфайли яратилган конвенция лойиҳаси муҳокамаси Самарқанд веб-форумининг асосий мавзуси бўлди. Конвенция қабул қилинган, аввало, дунё ёшларининг ҳуқуқ ва эркинликларини бир тизим қилиш, иқтисодий, ижтимоий ҳаётда қўллаб-қувватлаш, улар манфаатларини ҳимоя қилиш ва ўз интилишларини амалга ошириш учун шароит яратиш мақсадида кўп томонлама ҳамкорлик кенгайтиришга қаратаётган эътибори халқаро ҳамжамият томонидан

бўлди. Шунингдек, нуфузли анжуман йигит-қизлар ўз ҳуқуқларини тўлиқ рўёбга чиқариш йўлида дуч келаётган муаммоларининг ечимлари бўйича биргаликда иш олиб бориш ва ёшларга оид жорий сиёсат ҳамда дастурларнинг таъсирини ўрганишга хизмат қилгани билан долзарб аҳамият касб этди.

САЙЁХЛИК — ОДАМЛАР УЧУН ҚУЛАЙ ИШ ЖОЙИ ВА ДАРОМАД МАНБАИ

Депутат фикри

Камбағал бўлиб қолмаслик учун нима қилиш керак?

WorldSkills стандартлари асосида бадиҳасида ишлаб чиқилган халқаро конвенция лойиҳаси кенг муҳокама қилинди.

фўқаролари кўпчиликни ташкил этадиган Россия Федерациясининг худудларида давлат ҳамда нодавлат таълим муассасалари ва марказлари билан музокаралар олиб бориб, мазкур худудларда меҳнат қилаётган фуқароларимизни касб-ҳунарга ҳамда рус тилига, айниқса, кечки пайт (иш вақтида кейин) ўқитишни ташкил этиш, шу жумладан, ўқитиш учун жой, ўқув қўлланмаси ва ўқув қуроллари билан таъминлаш чоралари масъулларга вазифа қўрилиб белгиланмоқда.



# ДУНЁНИ КИТОБ ҚУТҚАРАДИ!



...Анча йиллар олдин Германиянинг Франкфурт шаҳрида ҳар йилги халқаро китоб ярмаркасига бордик. Тадбир ўтадиган бинонинг пештоқига "Дунёни китоб қутқаради", деб ёзиб қўйилганди. Бир қараганда бир оз истеъзоли бу эътироф барибир кишини ўйга солиши, мулоҳазага чорлаши тайин. Бу, айниқса, бугунги пандемия шароитида анчайин жозибador, ҳақиқатга яқин кўринади.

## Бугуннинг гапи

Пайгамбаримиз (с.а.в) вабо келганда "уйда қолинг" деган эканлар. Ибн Сино ҳам бу гапнинг ҳақиқатини соф тиббий аснода исботлаб берган. Хамонки шундай экан, бу халқ, айниқса, ёш-яланг нега уйда ўтирмайди-ўтиромайди? Ойнаи ҳақонга бир қаранг, бизни ҳаминша соғинтирувчи муомтаз фильмлар, концертларга чўйилмокда. Яна нима керак? Тарихий футбол ўйинлари — жаҳон чемпионатлари, афсонавий бокс жанглири...

Нафсиларини айтганда, томошалар қана яхши бўлмасин, одамни толиктириши ҳам бор гап. Балки шундай кезларда, бир оз чанг тортиб қолган мўъжазгина китоб жавонингизни очиб, қана ўқиса ҳам зериктирмайдиган китобларни бир сизда қўлга олиб, варақлагингиз келмайдими?.. Бу уйда қолшинг мазмунини бойитиб, маънавий бўшлиқни тўлдириб, ҳаётимизга ажиб бир маъно бахш этган бўларди-ку!

Китоб муролааси бўйича ислохотлари ҳар биримиз, аввало, оиладан бошлашимиз, китоб лоақат мана шу баало азим — коронавирусдан сақлайди, деган умид билан унга ошно бўлиш керак эмасми?..

Китоб ўқиб инсонни тарбиялайди, ўйлашга, мулоҳазага юритишга чорлайди, яхши-ёмонни ажратиши билдириб боради. Фақат ўзига манфаатли аснода ҳаракат қилишдан асраб, кенгрок, ижтимоийрок, кўпни ўйлаб, юрт, мамлакат микёсида, унинг манфаатлари доирасида фикрлаши ўргатади, тафаккурни қучайтиради.

Мутолаагини инсон учун манфаати чексиз. Хусусан, у шундай катта қудратга эгаки, инсоннинг руҳиятини тозалайди, уни тарбиялайди, адолатга чорлайди, ҳақиқатни сезиш туйғусини оқсалтиради, эшик ортидаги ҳаётни кўришга ундайди. Китоб ўқимагани қараб қалбни тиритиришчи, шуруни уйғотувчи, ҳақиқатни билдирувчи, инсонни тарбия қилувчи, жамиятнинг покловчи бир омилдир.

Энг асосийси, китоб ўқиган одамдан ёмонлик чикмайди! Прокурор биродарларим санкцияга қўл қўйганда хонасида бўлганам. Махбусларни олиб чиқиб кетишган, ҳўкмани олиб, атай ўқиб қикқанам. Мақсадим — бирортаси китоб ўқиб бўлиб, жиноятга қўл урганми, йўқми, шуни аниқлаш эди. — Йўқ, бунақаси йўқ. Бирор-та ҳам ҳолатда китоб ўқиб бўлиб, ўрнидан туриб, жиноятга

**Аҳрор АҲМЕДОВ,**  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

## ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги ПФ-5763-сон Фармони ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 11 июлдаги ПК-4391-сон қарори, шунингдек, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 13 июлдаги 625-сонли ҳамда Касб-хунар таълими марказининг 2019 йил 15 июлдаги 368-сонли, Тошкент вилояти касб-хунар таълими бошқармасининг 2019 йил 19 июлдаги 208-сонли буйруқлари ва Тошкент вилояти, Бекобод шаҳар ҳокимининг 2019 йил 25 июлдаги қарорига асосан, Бекобод шаҳар енгил санает ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи Бекобод шаҳар халқ таълими бўлими тасарруфига ўтказилди.

Коллеж фаолияти Бекобод шаҳар ҳокимининг 2020 йил 7 августдаги 327-сонли қарорига асосан, 2019/2020 ўқув йилида тугатилганлигини маълум қиламиз.

Бекобод шаҳар енгил санает ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи ўрнида 19-умумтаълим мактаби ташкил этилди.

**Халқ сўзи**  
**Народное слово**

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Девонхона 71-233-52-55;  
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Газетамиз ҳақидаги маълумотлари оқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилиш

ISSN 0010-0784

ГАЗЕТАНИНГ СТАЊИБ БЕРИЛИШИ УЧУН ОБУНАНИ РАСМЙЛАШТИРГАН ТАШКИЛОТ ЖАВОБГАР.

ГАЗЕТА ТАХРИРИЯТ КОМПЬЮТЕР МАРКАЗИДА ТЕРМИЛ ХАМДА ОПЕРАТОР М. БЕГУРГАТОВ ТОМОНИДАН САҲИФАЛАНДИ.

ГАЗЕТАНИНГ ПОЛИГРАФИК ЈИЖАТДАН СИФАТЛИ ЧОП ЭТИЛИШИГА "ШАРҚ" НАШИРИЁТ-МАТБАА АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ МАСЪУЛ. БОСМАХОНА ТЕЛЕФОНИ: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуготчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Қаримов.  
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббев.

"ШАРҚ" НАШИРИЁТ-МАТБАА АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ БОСМАХОНАСИ. ҚОРХОНА МАНЗИЛИ:  
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 20.50 Топширилди — 00.25 1 2 3 4 5 6

Иқтисодиётни рақамлаштириш сўнгги ўн йилликдаги дунё сиёсатининг асосий йўналишларидан бири бўлиб келяпти. Кибермақонда иқтисодий алоқаларнинг долзарблиги ортиб, виртуал дунё тобора кўпроқ ҳақиқий ҳаётнинг бир қисмига айланиб бормокда. Шу жумладан, виртуал иқтисодиёт ҳам.

Жорий йилга "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" деб ном берилиши юртимизда давлат, жамият ҳамда хусусий бошқарувнинг барча йўналишида бу борадаги ишларни янада жадаллаштириб юборди. Бунинг исботини биргина суд соҳасида, яъни суд ишларини юритиш жараёнида ҳам кўришимиз мумкин.



Мазкур мақола доирасида суд ислохотларининг янги концепцияси — иқтисодий суд ишларини юритишни рақамлаштириш ва виртуаллаштиришни таҳлил қилиш, шунингдек, бир қатор таклифлар билдиришга жазм этдик. Фикримизча, ушбу концепция амалий жиҳатдан суд қарорларини қабул қилишда мустақиллик ва ҳолислик тамойилини таъминлайди. Бу нафақат арбитраж, балки фуқаролар, жинойий, маъмурий процессларни қайта кўриб чиқишда концептуал ёндашувни таъминлайди ва мамлакат суд тизимининг янада ривожланишига туртки беради.

Чунки суд жараёни тақомиллаштиришда сезиларли ютуқлар қарамай, процессуал кодекслар ва суд процессларида АҚТдан фойдаланишни тартибга солувчи бошқа норматив ҳужжатлар деярли ўтган асрга хос "телеграмма", "факс", "телетайп" ҳамда бошқа алоқа воситалари тушунчалари билан чекланган.

Шу боис иқтисодий суд ишларини юритишни тақомиллаштириш мақсадида иқтисодий ва бошқа суд ишларини юритишнинг қўйидаги концептуал ва базавий тамойиллари, тартиб-таомилларини уларнинг ҳурусуларини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси қонунчиликда мустақамлашни таклиф қиламиз:

— даъво аризасини ёки суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризиани фақат даъвогар ёки аризагининг электрон почтасидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексига (бундан буён матнда ИПК деб юритилади) назарда тутилган талабларга мувофиқ иқтисодий суднинг ягона электрон почтасига фақат электрон шаклда бериш;

— ишда иштирок этаётган шахсларга виртуал суд жараёни вақти тўғрисида уларнинг электрон почта манзиллари ёки шахсий кабинетларига хабар қилиниши;

— даъво аризаси ёки суд буйруғи қайтарилган ёхуд уни қабул қилиш рад этилган тақдирда, судья ва ҳақда ажрим қабул қилиши ва уни даъвогар ёки аризагини электрон почта орқали ёки уларнинг шахсий кабинетига юбориши;

— иш юритиш учун даъво аризаси қабул қилинганда ва иш қўзғатилиши билан суд жараёни иштирокчиларга процессуал даъво аризасини қабул қилиш ҳамда виртуал суд мажлисини тайинлаш тўғрисида электрон хабар бериш виртуал суд залига (кейинги ўринларда виртуал зал деб юритилади) кириш учун паролларни иқтисодий суднинг веб-сайтида тақдим этган ҳолда электрон почта ёки иштирокчиларнинг шахсий кабинетлари орқали амалга оширилиши керак.

— виртуал хона — ёпиқ суҳбат учун майдон бўлиб, унга фақат суд жараёни иштирокчилари парол орқали киришлари мумкин. Шу билан бирга, иштирокчилар виртуал залга ҳам шахсий компьютердан, ҳам интернетга уланган мобил қурилмалардан киришлари мумкин;

— судья суд мажлиси иштирокчиларини ўзининг Ф.И.Ш. билан таъинлашмайди. Судья судга ча вача суднинг бирон-бир босқичида ўзини танитмайди. Ушбу қоиданинг бузилиши жиноят иши қўзғатилганга қадар судьяга нисбатан интизомий жавобгарликка тортиш учун асос бўлади. Судья, албатта, маълум бир логин билан шифрланган бўлади. Ушбу логин судьянинг электрон рақамли имзоси (бундан кейин — ЭРИ) орқали имзоланади. Бундай ҳолда ҳар бир суд мажлиси

билан бирон-бир давлат божини тўламадан олиш ҳуқуқига эга;

— суд мажлиси яқунида судья суд қарорини судьянинг электрон рақамли имзоси томонидан имзоланган электрон файл кўринишида виртуал суд залига (чатда) юқлаб қўяди. Суд қарори идентификация қилинадиган QR-кодига эга бўлиши керак, унга кўра суд қарорларини ижро этувчи органлар судьянинг электрон рақамли имзоси би-

## Таҳлил ва таклиф

ўтказилишининг олдини олишга ёрдам беради.

Иқтисодий судларда суд жараёни виртуаллаштириш даъвогарларнинг таъшири вақтини ва харажатларини қамайтиради. Чунки бу ҳолда иштирокчиларнинг шахсан ҳозир бўлиши шарт эмас. Иштирокчи исталган вақтда ҳамда исталган жойда интернетга уланган шахсий компьютер ёки мобил қурилмадан фойда-

ланган ҳолда ишда қатнашиши мумкин.

Бундан ташқари, иқтисодий судларда судларни виртуаллаштириш орқали давлат газнасидан ажратиладиган бюджет маблағлари келажақда сезиларли даражада қамаяди.

Бундан ташқари, ушбу жараёнда махфийлик алоҳида аҳамият касб этади. Шу маънода, судьянинг қимлиги сир сақланиши керак. Бу унинг органини шахсий кабинетига ёки электрон почтасига юборилмади;

— Қоракалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодий судларида ёки Олий суднинг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатларида апелляция ҳамда кассация ишларини уч (беш ёки етти) нафар судьядан иборат коллегиал таркибда кўриб чиқишда уларнинг ҳар бири виртуал суд мажлисида бир вақтинг ўзида ўзларининг шахсий логинлари билан қатнашадилар ва суд ҳайъати аъзолари бир-бирларини билмайди. Чунки улар шифрланган бўлади. Ушбу жиҳат ҳар бир судья низо бўйича, иккиланмасдан ўз фикрини ҳолис билдиришни таъминлайди, раислик қилувчининг фикрига қўшилиши ёки

қўриб чиқиши керак. Чунки судьянинг қимлигини унинг хоҳишига аниқлаш имконияти истисно қилинади.

Шифрлаш базаси махфийлик асоси. Шунинг учун ушбу база суд тизимидан ташқарида ишлаши керак. Судьялар ўртасида ишларни тақсимлаш судьянинг иш юқламасига қараб автоматик равишда амалга оширилади. Шу билан бирга, махфийликни сақлаш жуदा муҳим: қайси иш қимга нисбатан чиқарилганлиги

сир бўлиши мумкин. Шунинг учун шифрлаш иш автоматик равишда судьяга топширилган пайтдан бошланади. Судьянинг логини ҳар сафар автоматик равишда ўзгарди. Акс ҳолда, судья ўзини суд раисига танитиб қўйиши мумкин.

Маълумотлар базасини автоматлаштириш ҳар қандай аралашувнинг олдини олади. Бундай ҳолда база суд қаромоғига қирмайдиган техник марказ томонидан юритилиши лозим. Акс ҳолда, судья ёки бошқа манфаатдор шахс техник марказдан маълумотни олиб танишиши ҳам мумкин. Бундай ҳолда техник марказ бирон-бир куч ишларат тузилмага қирмайдиган органининг таркибиде бўлиши мақсада мувофиқ. Мазкур лойиҳани амалга ошириш кўп маблағ ва вақт талаб қилмайди. Фикримизча, ушбу лойиҳани ҳозирги кунда синовдан ўтказиш мумкин.

«Виртуал суд» қандай бўлиши керак?

Лойиҳани амалга ошириш учун, биринчи навбатда, виртуал суд залини яратиш, суд чатлари, пароллар, логинлар, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг мавжуд маълумотлар базаси билан интеграция қилиш ва бошқа жараёнлар билан боғлиқ техник ишларни амалга ошириш зарур. Шет эл тажрибасини ўрганадиган бўлсак, виртуал суд жараёнлари аллақачон бир

қўшилмаслиқини оқибатидан кўрқмайди.

**Прокурор судьяни билмас нима бўлади?**

Виртуал суд жараёнида прокурорнинг иштироки унинг шахсини ҳам судьянинг шахсини шифрлаш каби амалга оширилиши билан таъминланади. Судья ва прокурорнинг ағасизлантирилиши суд жараёнида инсон омили аралашувининг олдини олади.

Масалан, прокурор судья билан суд залидан ташқарида ишни муҳокама қила олмайди. Сабаби у судьяни билмайди. Ушбу омили коррупцияга қарши айнаи муқдоа ва судьянинг ишига ноқонуний аралашуш ҳамда унга прокуратура ёки бошқа органлар томонидан босим

қатор мамлакатларда, масалан, Қозоғистон, Россия Федерацияси, Хитой, Ҳиндистон, АҚШ каби мамлакатлар амалиётини қўлланилмокда.

"Виртуал суд" пилот лойиҳаси "Электрон суд" лойиҳаси доирасида Қозоғистон суд тизимини ривожлантиришнинг еттита устувор йўналишларидан бири сифатида бошланган. Бу низо тарафларига видеоалоқа орқали суд жараёнига тўғридан-тўғри боғлиши ва судга далилларни тақдим этиш имконини беради. Бунинг учун смартфонга "TrueConf" дастурини ўрнатиш кифоя.

Россия суд ҳамжамияти виртуал суд жараёни бир муддат олдин муҳокама қилган. Аммо амалиёт жорий йилдан бошланган. Яъни 2020 йил апрель ойида биринчи марта Россия Федерацияси Олий судида онлайн суд мажлиси бўлиб ўтди.

Онлайн суд технологиясини синая кўриш Хитойда 2015 йилдан бери давом этмокда. Пекин Интернет-судуи дунёда биринчилардан бўлиб сунъий интеллектга эга виртуал судья (AI-судья) билан суд ишларини юритишнинг онлайн марказини ишга туширган.

Нутқ ва тасвир синтези интеллектуал технологиялар асосида ишлаб чиқилган AI-судья судьяларга вақти-вақти билан тақомиллашадиган асосий ишларни, шу жумладан, даъво аризасини олишга ёрдам беради ва бу билан профессионал амалиётчиларга фақат суд жараёнига эътибор қаратишлари учун имконият яратади.

Қўшимча шуни таъкидлаш мумкинки, Дубай (БАА) судлари биринчи марта 2020 йил 19 апрелдан бошлаб масофавий равишда суд мажлисларини ўтказишни бошлади. Видеоконференцалоқа режимидаги мажлислар барча инстанцияларда бўлиб ўтиши йўлга қўйилган.

## Шаффофлик (transparency) тамойили жорий этилиши лозим

Суд муҳокамаларини виртуаллаштиришдан ташқари, иқтисодий судлар тизимида, бизнингча, шаффофлик (transparency) тамойили жорий этилиши керак. Ушбу тамойилни амалга ошириш механизми судлар томонидан чиқарилган барча суд қарорларини автоматик равишда Ўзбекистон Республикаси Олий суди ягона порталнинг "Иқтисодий судлар қарорлари банки" бўлимида оқиб ва берул эълон қилиш тизимини жорий этиш ҳисобланади.

Архивда сақланаётган суд ишлари материаллари билан танишиш учун шахсларнинг ҳуқуқлари бузилишини истисно этадиган шароитларни яратиш мақсадида суд архивлари тизимини электрон шаклда шакллантириш, жумладан, судларда архивга тақдим этиладиган амалдаги суд ҳужжатлари ва доимий сақланадиган ишларни сканерлаш учун махсус жойлар яратиш зарур.

Ўзбекистон қонунчилиги тақлиф қилинаётган ушбу тамойилларни амалга ошириш, хусусан, суд тизимини виртуаллаштириш ҳамда суд қарорларини интернетга жойлаштириш ва ушбу қарорлардан фойдаланишни таъминлаш тизимини тақомиллаштириш суд ҳокимиятининг моддий-техника базасини сезиларли даражада мустақамлашни талаб этади.

Фикримизча, ушбу лойиҳани техник жиҳатдан амалга оширишдан кўра, уни тарғиб қилиш мураккаброк. Лойиҳа дастлабки босқичда аънавий суд ишлари билан ҳам-оҳанг равишда амалга оширилиши мумкин. Аммо рақамлаштириш ва виртуаллаштиришга қисқа муддатда ўтиш фоят муҳим. Акс ҳолда ушбу тамойилнинг аънавий суд процессига мўқолиб бўлиб қолади.

Умуман, одил судлов сифатини ошириш, суд ишларини юритишни тақомиллаштириш ҳамда уни давлат ва жамиятнинг замонавий воқеликлари, эҳтиёжларига доимий равишда мослаштириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши юртимизда олиб борилаётган демократик жараёнинг ажралмас қисми бўлиши керак.

**Саид ҒУЛОМОВ,**  
юридик фанлар доктори,  
профессор,  
**Амирхон СИДДИҚОВ,**  
Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби бўлим бошлиғи.